

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ

ТАШЕВА ХАДИЧА ТУЙБОЕВНА

РУДАНИ МАЙДАЛАШНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ (“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ мисолида)

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2024

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ташева Хадича Туйбоевна

Рудани майдалашнинг энергия самарадорлигини ошириш (“Олмалиқ кон-
металлургия комбинати” АЖ мисолида).....3

Ташева Хадича Туйбоевна

Повышение энергетической эффективности измельчения руды (на примере
АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»)27

Tasheva Khadicha Tuyboevna

Improving the energy efficiency of ore crushing (using the example of Almalyk
Mining and Metallurgical Combine JSC)49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ

ТАШЕВА ХАДИЧА ТУЙБОЕВНА

РУДАНИ МАЙДАЛАШНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ (“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ мисолида)

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/T2507 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.energetika.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ишназаров Ойбек Хайрилаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипов Назиржан Мукарамович
техника фанлари доктори, профессор

Халиков Солиҳджан Субханович
техника фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

Навоий Давлат кончилик
ва технологиялари университети.

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2021.T.143.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 40. Тел.: (99897) 480-28-07; e-mail: energetika_in@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 40. Тел.: (99897) 480-28-07).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» да тарқатилди.

(2024 йил «___» даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Х.М. Муратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Ж.Н. Толипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори PhD, катта илмий ходим

Ш.В. Хамидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кон-металлургия саноатидаги мавжуд технологик жараёнларни бошқариш, уларнинг техник кўрсаткичларини яхшилаш ва рудани майдалаш жараёнида энергия самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда “...дунёдаги энергия сарфининг 3,5%ни кон-металлургия саноатига, шундан 1% майдалаш жараёнига тўғри келади. Бу борада тегирмонларнинг иш режимларини ростлаш орқали энергия ресурсларнинг сарфини тежаши имкониятлари аниқланган”¹. Жумладан, майдалаш тегирмонининг ростланувчи электр юритмасининг математик модели ва структура схемасини ишлаб чиқиш, технологик жараёнларнинг рационал режимларини таъминловчи частотавий ростланувчи электр юритмалар тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бутун дунёда рудани майдалаш жараёнларида хўл ўзи майдалаш тегирмонларининг электр юритма самарадорлигини ошириш, шунингдек барабанни руда билан тўлдириш даражасига қараб юқори кучланишли синхрон двигателларни равон ишга туширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда жумладан, хўл ўзи майдалаш тегирмонининг оптимал иш режимлари, кираётган руданинг таркибига қараб тегирмоннинг тезлиги ва қаршилик моментини аниқлаш, руданинг қаттиқлиги ва зичлигини, шунингдек унинг тўлдирилишини ҳисобга олган ҳолда, майдалаш тегирмонининг частотали ростланадиган электр юритмасининг тизимини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Шу билан бирга, синхрон машиналарни ишга тушириш, электр энергия сарфига таъсир этувчи омилларни аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш мақсадида энергия ресурсларининг ишлатилиши самарадорлигини ошириш, янги технологик ечимларни яратиш ва такомиллаштириш ҳамда жорий этишга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш” бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда синхрон машиналарнинг иш режимларини ростлаш орқали энергия самарадорлигини ошириш, оптимал тезлиги ва ишга тушириш жаддаллигини аниқлаш масалаларини ечишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сон “2023

¹<https://www.cecthefuture.org/resources/mining-energy-consumption-2021#:~:text=Published%20information%20indicates%20that%20the,total%20final%20energy%20consumption%20globally>

йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692 сон “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиқсан ва манавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия тежамкорлик ва муқобил энергия манбалари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганганлик даражаси. Жаҳон олимлари томонидан майдалаш тегирмонларининг шаршара режимини таъминлаш ва айланиш тезлигини ростлаш асосида энергия тежамкор режими аниқлаш бўйича қўплаб етакчи илмий марказларда ва олий таълим муассасаларида, жумладан Molycorp (АҚШ), Massachusetts Institute of Tehnologiy (АҚШ), University of Michigan (АҚШ), University of Waterloo (Канада), Great Westem Mineral Group (Жанубий Африка), Mount Weld (Австралия) Tokyo Technology Institute (Япония), Бутун Россия электроэнергетика илмий-тадқиқот институти (Россия), Миллий тадқиқотуниерситети (Россия) ва Тошкент Давлат техника университетида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дунё олимлари томонидан тегирмонларнинг мослашувчан бошқариш тизимини ишлаб чиқиши ва технологик қўрсатгичларни ошириш, синхрон машиналар учун қўзғатиш тизимларини такомиллаштириш ишлаб чиқиши, самарадорлигини ошириш ва тадқиқот қилишга бир қатор олимлар, жумладан: Ф.Бонд, С.Е.Андреев, Е.Е.Линч, К.Луан, П.В.Маляров, Б.К.Мисра, С.Моррелл, В.А.Олевский, В.А.Перов, Р.К.Раджимани, К.А.Разумов, Е.Е.Серго ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Республикамизда саноат корхоналарининг энергия истеъмоли режимларини оптималлаштириш ва энергия самарадорлигини оширишга қаратилган илмий муаммоларни ҳал қилиш учун маҳаллий олимлардан М.З.Хамудханов, Т.С.Камалов, А.А.Хошимов, Н.М.Арипов, К.Муминов, Ф.А.Хошимов, К.Т.Алимходжаев, М.К.Бобожанов, О.Х.Ишназаров, О.З.Тоиров, Ж.А.Мавлонов ва бошқа олимлар томонидан ҳам тегишли

тадқиқотлар олиб борилган. Илмий изланишлар натижасида электр юритмаларни частотавий ростлаш тизимларининг самарадорлигини ошириш бўйича сезиларли натижаларга эришилган.

Эришилган муваффақиятларга қарамай, майдалаш тегирмонларининг юқори кучланишли синхрон машиналарининг энергия ва ресурсларни тежаш режимларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини ошириш, майдалаш тегирмонининг энергия истеъмоли ва иш режимларига саноат ва технологик омилларнинг таъсири, “синхрон машина - хўл ўзи майдалаш тегирмони” тизимининг математик модели, структура схемасини яратиш бўйича етарли изланишлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ, АЗ-ФА-Ф106 “Саноатда (тоғ-металлургия) ва қишлоқ хўжалигига (машинали суғориш тизимларининг насос станциялари) энергия ва ресурстежамкор технологияларни, ишлаб чиқаришда технологик жараёнларнинг рационал режимларини таъминловчи андозавий механизмларга адаптациялашган частотавий ростланувчи электр юритмалар асосида ишлаб чиқиш” (2012-2014), ФА-АЗ-90053 “Иқтисодиёт соҳаларининг энергияни қўп истеъмол қиласидан обьектларида энергия сарфининг энерго-ресурс тежамкор режимларини ишлаб чиқиш” (2015-2017) ва БВ-Атех-2018-27 “Олмалиқ КМК” АЖ бўлинмаларининг энергия сифимли обьектларида кучли энергетик ускуналарнинг энергия-ресурс тежамкорлик мониторинги: Мисни эритиш заводи ва бошқа бўлинмаларида ишлаб чиқаришни истиқболли ривожлантириш дастури бўйича янгитдан ишга туширилаётган кучли энергетика ускуналарининг мониторинги” (2018-2020) фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади тегирмон қурилмалари томонидан рудани майдалаш жараёнида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

майдалаш жараёни параметрларининг хўл ўзи майдалаш тегирмонининг электр истеъмолига таъсирини аниқлаш;

хўл ўзи майдалаш тегирмонининг ростланувчи электр юритмасининг математик модели ва структуравий схемасини ишлаб чиқиш;

хўл ўзи майдалаш тегирмонининг энергия тежамкор режимини аниқлаш;

хўл ўзи майдалаш тегирмонини ишга тушириш усулини такомиллаштириш;

хўл ўзи майдалаш тегирмонининг қаршилик моментини ҳисоблаш ва оптимал айланиш тезлигини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида хўл ўзи майдалаш тегирмонининг электр истеъмоли ва иш режимлари олинган.

Тадқиқот предмети хўл ўзи майдалаш тегирмонини бошқариш усулини такомиллаштириш ва шаршара режимини таъминлаш ҳамда энергия

самарадорлигини ошириш учун оптимал айланиш тезлигини аниқлаш моделларидан ташкил топган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида электр юритма ва автоматик бошқарув назариялари, градиент усули, математик статистика, математик ва компьютер моделлаштириш усуллари, шунингдек экспериментал тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуидагилардан иборат:

айланиш тезлигининг ўзгариши, руданинг қаттиқлиги ва суюқликнинг қаттиқ фазага нисбатини ҳисобга олган ҳолда ҳўл ўзи майдалаш тегирмони электр энергиясини истеъмол қилишининг математик модели ишлаб чиқилган;

руданинг қаттиқлиги ва зичлигини, шунингдек унинг тўлдирилишини ҳисобга олган ҳолда, Bond тегирмони модели асосида ҳўл ўзи майдалаш тегирмонини частотали бошқариладиган электр юритмасининг математик модели ва структуравий схемаси ишлаб чиқилган;

шаршара режимини таъминлаш ва айланиш тезлигини ростлаш асосида ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг энергия тежамкор режими аниқланган;

оптимал жаддаллаштириш ва асинхрон ишга тушириш усули асосида ҳўл ўзи майдалаш тегирмонини частотавий ишга тушириш усули такомиллаштирилган;

ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг қаршилик моментини ҳисоблаш усули ва оптимал айланиш тезлиги технологик кўрсатгичлар ҳамда градиент тушиш усули асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:

электр балансини ташкил этувчи алоҳида элементлардан ташкил топган ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг электр истеъмоли структураси аниқланди;

ҳўл ўзи майдалаш тегирмонидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари ва унинг электр юритмасига рудани майдалаш технологик жараёнининг талаблари аниқланди;

бошқарув обьекти сифатида “частота ўзгартиргичи – синхрон машина – ҳўл ўзи майдалаш тегирмони” тизими ўрганилди ва шаршара режимини ва белгиланган талаблар асосида технологик жараённинг энергия ва ресурсларни тежашни таъминлайдиган рационал структуравий схемаси аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги максимал унумдорликни ҳисоблаш усувлари, асосий қонунлар, руда қаршилигини ҳисоблаш назариялари ва усувларини тўғри қўллаш билан асосланади, шунингдек назарий, компьютер ва экспериментал натижаларнинг мос келиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг иш режимига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда “частота ўзгартиргичи – синхрон машина – ҳўл ўзи майдалаш тегирмони” тизимини моделлаштириш назариясини ишлаб чиқиши бўйича тадқиқот натижаларнинг илмий моҳияти билан; шаршара режимини ва энергия сарфини камайтиришни таъминлайдиган ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг айланиш тезлигини

аниқлаш; ҳисоблаш тажрибаларини режалаштириш ва амалий қўллаш учун шароит яратиш билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шаршара режимини таъминлаш ва технологик ускуналарнинг энергия самарадорлигини ошириш учун ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг частотавий бошқариладиган электр юритмасини ишлаб чиқиши; ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг қаршилиқ моментини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг айланиш тезлигини ростлаш ва равон ишга тушириш, иш режимларини оптималлаштириш ҳамда энергия сарфини камайтириш бўйича илмий натижалари асосида:

ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг энергия тежамкор иш режими ва рудани майдалаш технологик жараёнининг математик модели “Олмалиқ КМК” нинг Мисни бойитиш фабрикасида жорий этилди (Олмалиқ КМК АЖ 2022 йил 12 октябрдаги жорий этиш тўғрисидаги 61-СГЭ-ChX-22-10-0159-сон маълумотномаси). Натижада электр энергияси сарфини йилига 277,820 кВт*соатга камайтириш имкони яратилган;

ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг юқори кучланишли синхрон машинани равон ишга тушириш тизими “Олмалиқ КМК” нинг Мисни бойитиш фабрикасида жорий этилди (Олмалиқ КМК АЖ 2022 йил 12 октябрдаги жорий этиш тўғрисидаги 61-СГЭ-ChX-22-10-0159-сон маълумотномаси). Натижада иқтисодий самарадорлик йилига 125 019 000 сўмни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Диссертация иши бўйича тадқиқотлар 3та халқаро ва 8та республика илмий-техник анжуманларида маъруза қилинган ва мухокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19та илмий иш чоп этилган, жумладан тадқиқот мавзуси доирасида Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 7та илмий мақола, шундан 5та республика ва 2та халқаро журналларида чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1 та ЭҲМ дастурига гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасидаги фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларининг ишончлилиги ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

етилиши, ишнинг апробация натижалари, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг “Рудани майдалашнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” номли биринчи бобида ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларида (MMC) рудани майдалашнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинган ва минерал хом ашёни майдалаш технологияси кўрсатилган. Рудани майдалашнинг қисқача характеристикиси берилган. Адабиётларни таҳлил қилиш ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларининг энергия самарадорлигини оширишнинг турли усуллари ва ёндашувларини кўриб чиқишига имкон берди. Нашрларни ўрганиш бундай тегирмонларда энергия истеъмолини оптималлаштириш учун шаршара режимини ушлаб туриш учун ростланадиган электр юритмаларнинг муҳимлигини тасдиқлади.

Ҳўл ўзи майдалаш тегирмонида қаршилик моментини ҳисоблаш методикаси руда параметрларини, руданинг ўлчамларини ва барабаннинг айланиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланди. Олинган натижалар талаб қилинган қаршилик моменти ва рудани майдалаш даражасидан келиб чиқиб, электр юритманинг оптимал иш режимини танлаш муҳимлигини кўрсатади.

Ҳўл ўзи майдалаш тегирмонлари технологик жараённинг хусусиятлари ва унинг электр ҳайдовчи билан ўзаро алоқаси ўрганилди. Айланиш тезлигининг юқори ростланиши, ишончлилиги, нам муҳитга чидамлилиги ва юқори юкланиш каби электр юритмага қўйиладиган асосий талаблар аниқланди. Энергия истеъмолини оптималлаштириш ва майдалаш самарадорлигини ошириш учун ростланадиган электр юритмалардан фойдаланишнинг аҳамияти тасдиқланди.

Шаршара режими майдалаш жараёнини яхшиши ва энергия ҳаражатини камайтириши аниқланди, айниқса қаттиқ материалларни қайта ишлашда. Шаршара режими энергия сарфини камайтириш ва жараённинг умумий унумдорлигини ошириш потенциалини намойиш этадиган паст энергия ҳаражатларида рудани майдалашнинг оптимал даражасига имкон беради.

Диссертациясининг “Ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларининг иш режими” номли иккинчи бобида ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларининг ишлаш хусусиятлари, ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларининг самарадорлигини оширишда ростланадиган электр юритмаларнинг ўрни таҳлил қилинган, шунингдек ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларининг шаршара режимини таъминлаш масалалари ёритилган.

Тадқиқот давомида ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларининг иш режими билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Ўтказилган регрессион таҳлил айланиш тезлиги (n), руда қаттиқлиги (t_R) ва суюқликнинг қаттиқ фазаси (S) га нисбатига қараб ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг электр энергияси истеъмоли моделини ўрнатишга имкон берди.

Ҳўл ўзи майдалаш руда тегирмонлари минералларни қайта ишлашнинг муҳим бўгини бўлиб, уларнинг самарали ишлаши руда материалларини бойитиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай тегирмонларнинг ишлашига

таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бу ускунанинг унумдорлиги ва энергия самарадорлигини белгилайдиган қувватдир.

Хўл ўзи майдалаш тегирмонларининг ишлашини чуқурроқ тушуниш учун жараённи математик моделлаштириш амалга оширилди. Жараённи тавсифловчи асосий формулалардан бири майдалаш самарадорлиги тенгламасидир:

$$\mathcal{E} = \frac{D_{80}}{D_{50}}, \quad (1)$$

бу ерда \mathcal{E} – майдалаш самарадорлиги, D_{80} – материалнинг 80% майдаланган заррача диаметри, D_{50} – материалнинг 50% майдаланган заррача диаметри.


Ушбу тенглама жараённинг самарадорлигини баҳолаш ва керакли майдалаш даражасига эришиш учун тегирмоннинг оптимал параметрларини аниқлаш имконини беради.

Олинган модель етарли даражада аниқлик ва адекватликка эга эканлиги аниқланди, бу регрессия коэффициентларининг аҳамияти билан тасдиқланади. Олинган коэффициент қийматлари ҳар бир омилнинг (айланиш тезлиги, руда қаттиқлиги, фаза нисбати) электр энергиясига сарфига таъсирини қиласди.


Барабаннинг айланиш тезлигини (n , айл/мин), Роквелл шкаласидаги руданинг қаттиқлигини (t_R , HRC), суюқликнинг қаттиқ фазага нисбатини (S , %), ва қувват сарфини (P , кВт) ҳисобга оладиган модель;

$$P(n, t_R, S) = k1 \cdot n + k2 \cdot t_R + k3 \cdot S, \quad (2)$$

бу ерда $k1, k2, k3$ – тегирмоннинг иш шароитларига боғлиқ бўлган коэффициентлар.




Преобразования: натуральный логарифм, Разница(1)




Преобразования: натуральный логарифм, Разница(1)

**1 – расм. Айланиш тезлиги учун Р-Р тарқатиши графиклари
(нормал ва масофавий тренд билан нормал)**




Преобразования: натуральный логарифм, Разница(1)




Преобразования: натуральный логарифм, Разница(1)

**2 – расм. Руда қаттықлиги учун Р-Р тарқатиш графиклари
(нормал ва масофавий тренд билан нормал)**




Преобразования: натуральный логарифм, Разница(1)




Преобразования: натуральный логарифм, Разница(1)

**3 – расм. Суюқлик ва қаттық фазанинг нисбати учун Р-Р тарқатиш графиклари
(нормал ва масофавий тренд билан нормал)**



Преобразования: натуральный логарифм, Разница(1)



Преобразования: натуральный логарифм, Разница(1)

4 – расм. Қувват истеъмоли учун Р-Р тарқатиши графиклари (нормал ва масофавий тренд билан нормал)

Электр юритмалар ва тезликни ростлаш тизимлари хўл ўзи майдалаш тегирмонларининг самарадорлигини оширишда муҳим ахамиятга эгалиги исботланди. Ушбу қурилмалар қайта ишлаш жараёнида оптимал мувофиқликни таъминлайди, шунингдек унумдорлик ва энергия истеъмоли ўртасидаги мувозанатга эришишга кўмаклашади.

Маълумки, хўл ўзи майдалаш тегирмонлари рудаларни майдалаш жараёнларида муҳим ускуна ҳисобланади. Уларнинг унумдорлиги ва самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири бу нафақат барабанинг айланишини, балки унинг тезлигини ростлашни ҳам таъминлайдиган электр юритмадир.

Шундай қилиб, ўтказилган регрессия таҳлили айланиш тезлиги (n), руда қаттиқлиги (t_R) ва суюқликнинг қаттиқ фазаси (S) га нисбатига қараб хўл ўзи майдалаш тегирмонлари қувват сарфининг қуидаги моделини аниқлаш имконини берди:


$$P = 741,604 + 37,907n - 1,337t_R + 22,444S. \quad (3)$$

Хўл ўзини майдалаш тегирмони барабанинг айланиш тезлигини ростлаш рудани қайта ишлаш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган бир нечта асосий афзалликларга эришишга имкон беради.


Барабанинг айланиш тезлигини ўзгартириб, оптимал майдалаш жадаллигига эришиш мумкин, бу заррача ўлчамларининг бир текис тақсимланишига ва қимматли компонентлар ҳосилдорлигининг ошишига олиб келади. Хўл ўзини майдалаш тегирмонининг самарали ишлашини қуидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$P = k \cdot \rho \cdot n^3 \cdot D^2 \cdot V, \quad (4)$$

бу ерда P – тегирмон қуввати, k – самарадорлик коэффициенти, ρ – руда зичлиги, n – барабаннинг айланиш тезлиги, D – майдалаш элементларининг диаметри, V – материал ҳажми.



5 – расм. Хўл ўзи майдалаш тегирмони истеъмол қувватининг самарадорлик коэффициентининг турли қийматларида айланиш тезлигига боғлиқлиги



6 – расм. Хўл ўзи майдалаш тегирмони истеъмол қувватининг майдалаш элементларининг диаметрига боғлиқлиги

Хўл ўзи майдалаш тегирмони истеъмол қувватининг самарадорлик коэффициентининг турли қийматларида айланиш тезлигига боғлиқлиги 5 – расмда келтирилган. 6 – расмда эса хўл ўзини майдалаш тегирмони истеъмол қувватининг майдалаш элементларининг диаметрига боғлиқлиги кўрсатилган.

Майдалаш жараёнида хўл ўзини майдалаш тегирмонидаги заррачаларнинг ўртача тезлигини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$v_{cp} = \frac{\sum_{i=1}^n v_i}{u}, \quad (5)$$

бу ерда v_{cp} – рудани майдалаш жарайнида заррачаларнинг ўртача тезлиги; v_i – заррача тезлиги; u – майдаланадиган заррачаларнинг ҳажми.

Бундан ташқари, тегирмоннинг айланиш тезлигини самарали бошқариш учун частота ўзгартиргичи ёрдамида ростланадиган электр юритмани қуриш имконияти ўрганилди. Олинган натижалар хўл ўзини майдалаш жараёни устидан назоратни яхшилаш имкониятини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, хўл ўзи майдалаш тегирмонларининг шаршара режимига эришиш майдалаш самарадорлиги ва энергия сарфини оптималлаштириш учун жуда муҳим эканлиги исботланган. Тегирмоннинг айланиш тезлиги, майдалаш муҳитини тўлдириш даражаси, суспензиянинг ёпишқоқлиги ва материалларнинг хусусиятлари каби турли омилларни ҳисобга олган ҳолда, таклиф қилинган формулалар тегирмоннинг оптимал параметрларини аниқлаш учун бошланғич нуқта деб таҳмин қилиш мумкин.

Диссертациянинг “Хўл ўзи майдалаш тегирмонининг частотали ростланадиган электр юритмаси” номли учинчи боби хўл ўзи майдалаш тегирмоннинг ростланувчи электр юритмасининг математик моделини ишлаб чиқишига бағишиланган, двигатель валига келтирилган тегирмоннинг инерция моменти аниқланади.

Bond тегирмони модели руданинг қаттиқлиги ва зичлигига, шунингдек унинг тўлиқлигига қараб тегирмоннинг унумдорлигини ифодалайди. Bond тегирмони тенгламаси қуйидагича кўринишда бўлади:

$$W_m = \frac{10}{W_i} \left(\left(\frac{1}{\sqrt{P80}} - \frac{1}{\sqrt{F80}} \right) \cdot (K_2 \cdot \sqrt{P_3} \cdot n - \sqrt{W_i}) \right) \quad (6)$$

бу ерда: W_m – тегирмоннинг энергия истеъмоли (майдалаш учун зарур бўлган энергия); W_i – руда учун Bond ишининг индекси; $P80$ – материалнинг 80% тегирмон орқали ўтадиган заррача ўлчами (кирувчи материал учун); $F80$ – материалнинг 80% тегирмон орқали ўтадиган заррача ҳажми (чикувчи материал учун); K_2 – маълум бир тегирмоннинг конструкцияси ва характеристикасига боғлиқ бўлган коэффициент; P_3 – тегирмоннинг фойдали қуввати; n – тегирмоннинг айланиш частотаси; W_i – материал учун Bond ишлаш индекси.


Тегирмонни тўлдириш тенгламаси: руда билан тегирмонни тўлдириш (F_1) руда ҳажмининг тегирмон ҳажмига нисбати сифатида тавсифланиши мумкин.

$$F_3 = \frac{V_{\text{руды}}}{V_{\text{мельница}}}, \quad (7)$$

бу ерда: $V_{\text{руды}}$ – тегирмондаги руда ҳажми, $V_{\text{мельница}}$ – тегирмон ҳажми.


Ушбу модель тегирмоннинг самарадорлигини руда билан тўлдирилганлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлашга имкон беради.

7-расмда "Частота ўзгартиргичи – синхрон машина – хўл ўзи майдалаш тегирмони" тизимининг узатиш функцияси кўрсатилган. 8-расмда Bode (Bodeplot) графиги, яъни чизиқли, вақт ўзгармайдиган тизимнинг частотали характеристикасининг график тасвири кўрсатилган. 9-расмда Step response графиги кўрсатилган (битта қадам таъсирига жавоб).




7 – расм. "Частота ўзгартиргичи – синхрон машина – хўл ўзи майдалаш тегирмони" тизимининг узатиш функцияси.

Натижалар таҳлили шуни кўрсатади, "Частота ўзгартиргичи – синхрон двигатель – хўл ўзи майдалаш тегирмони" тизими айланиш тезлигини ўзгартиришга имкон беради, нафақат юқори унумдорликни, балки энергия таъминотини минималлаштиришни ҳам таъминлайди. Баҳолаш натижалари тезликни ростлаш энергия сарфини камайтиришга ёрдам беришини тасдиқлайди, бу эса бевосита иқтисодий самара беради. Бундан ташқари, аниқ ростлаш тегирмон қопламаларининг эскиришини камайтиради, унинг хизмат кўрсатиш муддатини оширади ва операцион хавфларни камайтиради.




8 – расм. “Частота ўзгартиргичи – синхрон машина – хўл ўзи майдалаш тегирмони” тизимининг Bodeplot графиги




9 – расм. “Частота ўзгартиргичи – синхрон машина – хўл ўзи майдалаш тегирмони” тизимининг Step response графиги

Сдни асинхрон режимда тўғридан-тўғри ишга тушириш ва синхронизмга киритиш 10- ва 11-расмларда кўрсатилган. 12-расмда электромагнит моментнинг вақтга боғлиқлиги кўрсатилган.




10 – расм. СД статорининг асинхрон ишга туширилиши ва синхронизмга тортилиши пайтида фазаларо кучланиш ва фаза токлари




11 – расм. СД асинхрон ишга туширилиши ва синхронизмга тортилганда унинг уч фазали оний қуввати

13 – расмда асинхрон ишга тушириш ва синхронизмга кириш пайтида роторнинг бурчак айланиш частотасининг ҳисобланган вақтга боғлиқлиги келтирилган.




12 – расм. СДни асинхрон ишга тушириш ва синхронизмга тортилиши пайтида электромагнит моментининг $m(t)$ ҳисобланган вақтга боғлиқлиги




13 – расм. СДни асинхрон ишга тушириш ва синхронизмга кириш пайтида роторнинг бурчак айланиш частотасининг $w(t)$ ҳисобланган вақтга боғлиқлиги

Шуни таъкидлаш керакки, СД электромагнит моментининг олинган қийматлари пулсацияланувчи характерга эга (14 – расм).

15 – расмдан қўриниб турибдики, моментнинг вақтга боғлиқлиги 50, 100, 300 ва 600 Гц частоталари билан бир қатор асосий гармоникаларни ўз ичига олган. СД электромагнит моментининг спектри.




14 – расм. Ўрнатилган режимида СД электромагнит моментининг $m(t)$ оний қийматлари




15 – расм. СД электромагнит моментининг спектри

16 – расмда СД статор қисқичларида фазалараро кучланишларнинг вақтга боғлиқлиги кўрсатилган. Спектрал таҳлил усуллари ёрдамида таъминловчи кучланишнинг параметрлари (17 – расм):



16 – расм. СД статор қисқичларида фазалараро кучланишларнинг вақтга боғлиқлиги



17 – расм. СД фазалараро кучланиш ва фаза токларининг спектрал таркиби

Олинган натижалар шуни кўрсатади, тезлик датчигини ишлатмасдан экспериментал равишда ўлчанган кучланиш ва двигатель фазаларининг токлари асосида СД роторининг моменти ва бурчак тезлигининг вақт характеристикаларини ҳисоблаш мумкин. Бурилиш бурчагига айлантирилган бурчак тезлигининг ҳисобланган қиймати роторнинг бурчак ҳолатини кузатиш учун ЧЎ-СД тизимларида ишлатилиши мумкин. Таъминловчи кучланишнинг ҳисобланган сифат кўрсаткичлари СДни хизмат кўрсатиш муддатини таҳлил қилиш имконини беради.

MMC 70-23 туридаги хўл ўзи майдалаш тегирмони учун частотали ростланадиган синхрон электр юритманинг математик модели ишлаб чиқилган. Модель электр юритма ва тегирмон билан боғлиқ параметрларни ҳисобга олади ва турли шароитларда тизимнинг ишлашини рақамли моделлаштириш ва таҳлил қилиш учун ишлатилиши мумкин.

Асосий тенгламалар статор ва ротор токларининг динамикасини,

тегирмоннинг механик қувватини, шунингдек унинг айланиш тезлигини тавсифлайди. Ушбу тенгламалар ўзаро боғлиқ бўлиб, ўзгарувчан технологик жараён шароитида тегирмон ишининг самарадорлиги ва динамикасини баҳолашга имкон беради.

Ушбу модель частотавий ростланадиган электр юритмалар ёрдамида ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларининг ишлашини оптималлаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай электр юритмадан фойдаланиш замонавий тоғ-кон саноатининг асосий жиҳати бўлган рудани майдалаш жараёнининг самарадорлиги ва назоратини яхшилаши мумкин деб таҳмин қилинади.

Электр юритмани ишга тушириш режимларини рақамли моделлаш натижалари қуйидаги асосий хуносаларни беради:

- Ишга тушириш токлари ва кучланишлари: вақтнинг дастлабки моментида, электр юритма уланганда юқори токлар ва кучланишлар пайдо бўлади, уларни эҳтиёткорлик билан кузатиш талаб қиласди. Ушбу параметрларнинг таҳлили ишга тушириш стратегиясини оптималлаштириш ва ускунага таъсирини камайтириш имконини беради.

- Ишга тушириш моменти: муҳим жиҳати ишга тушириш моментини баҳолаш, чунки дастлабки ишқаланиш кучлари ва юкланишни енгиш учун етарли бўлиши керак. Самарали бошланғич момент тегирмоннинг барқарор ва бошқариладиган ишга туширилишини таъминлайди.

Тезлик динамикаси: тизимнинг ишга тушириш динамикаси, шунингдек, ҳаддан ташқари юкланишга ёки жараённинг барқарорлигини йўқотишига олиб келадиган тезликнинг кескин ўзгаришига йўл қўймаслик учун муҳимдир.

Тегирмоннинг СДни ишга тушириш муаммосининг энг самарали ечими частотали ишга туширишдан фойдаланиш бўлиб, энг муҳим тадқиқот вазифаларидан бири СДни ишга тушириш шартларини аниқлашдан иборатдир.

Тегирмонни ишга туширишда қаршилик моменти мураккаб қийматдир, у бир нечта параметрларга боғлиқдир:

- барабанинг конструктив маълумотлари;
- майдалаш воситаларининг массаси ва ҳажми;
- технологик жараённинг параметрлари (барабанинг тўлдириш ва бошқалар);
- барабанинг айланиш тезлигига ва натижада тегирмоннинг иш режимларига боғлиқдир.

Тегирмоннинг ишга туширишда зарба моментининг пайдо бўлиши, ўрнатилган режимдан фарқли ўлароқ, юкланиш оғирлигининг материалнинг ажратилган қисмининг умумий оғирлиги миқдорига қисқа муддатли камайиши ва у тушганидан кейин юклаш оғирлигининг ошиши билан боғлиқ.


Ишлаб чиқилган тизим технологик жараён параметрлари кескин ўзгарганида ҳам барқарорликни таъминлайди. Ҳўл ўзи майдалаш тегирмони электр юритмасининг айланиш тезлигини бошқариш тизими турли хил иш режимларида юқори даражадаги барқарорликка эга.

Диссертациянинг “Ҳўл ўзини майдалаш тегирмонларининг иш

режимларини оптималаштириш” номли тўртинчи боби рудани майдалаш жараёнининг математик моделинин ишлаб чиқишига бағишиланган бўлиб, унда тегирмон қурилмаси учун частотали бошқарилувчи электр юритмасини жорий этишнинг техник-иктисодий самарадорлиги аниқланган.

Майдалаш жараённида фойдаланадиган энергия сарфи умумий рудани бойитиш бўлими қисмининг 30 – 50 % ни ташкил этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рудани бойитишда фойдали компонентни олиш максимал самарадорилиги заррача ўлчами 0,074 мм бўлганда эришилади.

18 – расмдан кўриниб турибдики, руда тайёrlаш бир неча жараёнлардан иборат: рудани янчиш, рудани икки босқичли майдалаш, рудани таснифлаш. Шу билан бирга, жараён натижасида йирик фракция пульпаси ажралиб чиқади, бу эса қайта майдалашга қайтарилади.



18 – расм. Руда тайёrlаш жараёни

Бошқариш нуқтаи назаридан руда майдалашнинг узлуксиз жараёнлари энг муҳим ва мураккаб жараёнларлардан бири деб тан олинган. Бошқаришнинг мураккаблиги шундаки оптимал режим барқарорлик чегарасига яқин жойлашган, бу эса транспорт кечикишларини ҳисобга олган ҳолда уни қўллаб-қувватлаш вазифасини янада қийинлаштиради.

Тегирмонларнинг электр юритмаси учун частота ўзгартиргичини (Чў) жорий этишнинг иктисодий самарадорлиги.

Маълумки, ҳўл ўз-ўзини майдалаш тегирмонининг номинал истеъмол қилинадиган қуввати ўртacha 2500 кВт*соатни ташкил қиласди. Шунга кўра, рудани майдалашнинг мавжуд технологияси бир соат ишлаганда электр энергияси сарфи тахминан 2450 кВт*соатни ташкил этади.

Экспериментал маълумотларга кўра, тегирмоннинг ишлашида Чуни қўллашда у бир дақиқада 9 дан 12 гача айланиш тезлигига айланади. Натижада, тегирмон барабанига юкланган руда қаттиқлигига ҳамда суюқ ва қаттиқ фазалари нисбатига қараб айланиш тезлигини тартибга солиш орқали энергия тежалади.

Бу ҳолда бир соатлик ўртacha электр энергия сарфини қуидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$W = 78,5m + 1430$$

Тегирмон барабанининг бир дақиқадаги айланиш сонига мос келадиган бир соатлик ўртacha электр энергия истеъмоли:

барабан бир дақиқада 9 марта айланиш барқарор ҳолатида бир соат учун:

$$W = 78,5 * 9 + 1430 = 2136,5 \text{ кВт*соат};$$

барабан бир дақиқада 10 марта айланиш барқарор ҳолатида бир соат

учун:

$$W = 78,5 * 10 + 1430 = 2215 \text{ кВт*соат};$$

барабан бир дақиқада 11 марта айланиш барқарор ҳолатида бир соат учун:

$$W = 78,5 * 11 + 1430 = 2293,5 \text{ кВт*соат};$$

барабан бир дақиқада 12 марта айланиш барқарор ҳолатида бир соат учун:

$$W = 78,5 * 12 + 1430 = 2372 \text{ кВт*соат}.$$

Шундай қилиб, тегирмоннинг ўртача соатлик энергия истеъмоли:

$$W_{\text{сред.час}} = (2136,5 + 2215 + 2293,5 + 2372) : 4 = 2254,25 \text{ кВт*ч}.$$

Тегирмоннинг аввалги ҳолатида номинал истеъмол қилинадиган қувват ўртача 2450 кВт*соатни ташкил қилишига эътибор берадиган бўлсак, ҶЎ ўрнатиш ҳисобига энергия тежаш:

$$W_{\text{икт.соат}} = 2450 - 2254,25 = 195,75 \text{ кВт*соат}.$$

Бу ердан тегирмоннинг ўртача суткалик энергия истеъмолини аниқлаш мумкин:

$$W_{\text{ўрт.сут.}} = 24 \times 2254,25 = 54\ 102 \text{ кВт*соат}.$$

Шунда бир ойдаги ўртача энергия истеъмоли:

$$W_{\text{ўрт.ой}} = 25 \times 54103,2 = 1\ 352\ 550 \text{ кВт*соат}.$$

Агар номинал энергия истеъмолини ўртача 2450 кВт*соатга тенглигини ҳисобга олсак, мавжуд технология бўйича (частота ўзгартиргичсиз) сутка давомида тегирмоннинг умумий энергия истеъмоли:

$$W_{\text{сут.}} = 24 \times 2450 = 58800 \text{ кВт}$$

Келтирилган ҳисоблардан кўриниб турибдики, частотали бошқарилувчи электр юритмасини қўллаганда сутка давомида энергия тежаш:

$$W_{\text{икт. сут.}} = W_{\text{сут.}} - W_{\text{ўрт.сут.}} = 58\ 800 - 54\ 102 = 4698 \text{ кВт*соат}.$$

Агар 1 кВт энергия нархи ўрнатилган тариф бўйича 450 сўм бўлса, бир сутка учун иқтисодий самарадорлик:

$$S_{\text{экон.сут.}} = 4698 \times 450 = 2\ 114\ 100 \text{ сўм}.$$

Мос равища бир ой учун энергия тежаш:

$$S_{\text{экон. месяц}} = 2\ 114\ 100 \times 25 = 52\ 852\ 500 \text{ сўм}.$$

Юқорида келтирилган барча ҳисоблар 1-жадвалга жамланган.

Истеъмол қилинган электр энергиясининг ойлик қиймати мавжуд технология бўйича (частота ўзгартиргичсиз) қуидаги бўлди:

$$S_{\text{мавжуд.ой}} = ((2450 \times 24) \times 450) = 661\ 500\ 000 \text{ сўм},$$

Частота ўзгартиргич қўлланилганда эса:

$$S_{\text{чў.ой}} = ((2254,25 \times 24) \times 450) = 608\ 647\ 500 \text{ сўм}.$$

Юқоридаги ҳисоб-китобларга мувофиқ, частота ўзгартиргичли электр юритмани қўллашда 1 ойлик иқтисодий самарадорлик қуидаги бўлади:

$$661\ 500\ 000 - 608\ 647\ 500 = 52\ 852\ 500 \text{ сўм}.$$

MMC 70-23 тегирмони учун частота ўзгартиргичини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатлари ҳисоб-китоби 1-жадвалда келтирилган.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг умумлаштирилган жадвали

Параметрлар	Асосий кўрсаткичлар				Ўртacha кўрсаткич лар	Пул ифодасида (1кВт*соат=45 0 сўм)
Тегирмон барабаниннинг ўртacha айланиши (айл/дак)	9	10	11	12	10,5	
Чў кўлланганда ўртacha истеъмол килинадиган қувват (кВт*соат)	2136,5	2215	2293,5	2372	2254,25	1 014 412,5
Чў кўлланганда электроэнергия тежамкорлиги (кВт*соат)	2450 - 136,5 =313,5	2450 -2215= =235	2450 -93,5 =156,5	2450 - 372 =78	2450 -2254,25 =195,75	88 087,5
Чў кўлланганда суткалик электроэнергия тежамкорлиги (кВт*соат)	7524	5640	3756	1872	4698	2 114 100
Чў кўлланганда ойлик электроэнергия тежамкорлиги (кВт*соат)	188100	141000	93900	46800	117450	52 852 500

Systeme Electric брендининг 2500 кВт номинал қувватли частота ўзгартиргичларининг таҳминий қиймати:

STV900M25N4 маркали қурилманинг нархи 30 642 600 Россия рубли;

Бугунги курс бўйича 1 Россия рубль = 137 сўм,

$30642600 \times 137 = 4 198 036 200$ сўм.

Частота ўзгартиргичини ўрнатиш бўйича қурилиш-монтаж ишларининг нархларини қурилманинг нархидан 7%га тенг деб қабул қиласак:

$4 198 036 200 \times 0,07 = 293 862 534$ сўм.

Ишга тушириш—созлаш ишларининг нархларини қурилманинг нархидан 5%га тенг деб қабул қиласак:

$4 198 036 200 \times 0,05 = 209 901 810$ сўм.

Бу холатда қурилмани сотиб олиш ва ишга тушириш бўйича умумий харажатлар қўйидагича бўлади:

$S_{\Sigma} = 4 198 036 200 + 293 862 534 + 209 901 810 = 4 701 800 544$ сўм.

Агар MMC 70-23 тегирмони учун частота ўзгартиргичини қўллаш иқтисодий самарадорлиги 1 суткада $S_{\text{сут.}} = 2 114 100$ сўмга тенглигини инобатга олсак, умумий харажатларни қоплаш муддати:

$4 701 800 544 : 2 114 100 = 2 224$ кун.

MMC 70-23 тегирмони учун частота ўзгартиргични жорий қилиш:

$2 224 : 365 = 6,1$ йилда қопланади ва кейинчалик фойда келтиради.

ХУЛОСА

“Рудани майдалашнинг энергия самарадорлигини ошириш” (“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ мисолида)” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича қўйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Руданинг параметрлари, руданинг ўлчамлари ва барабаннинг айланиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда ҳўл ўзи майдалаш тегирмонида қаршилик моментини ҳисоблаш методикаси аниқланди. Олинган натижалар талаб қилинган қаршилик моменти ва рудани майдалаш даражасидан келиб чиқсан ҳолда, электр юритманинг оптимал иш режимини танлаш муҳимлигини кўрсатади.

2. Ҳўл ўзи майдалаш тегирмонлари технологик жараёнларининг хусусиятлари ва унинг электр юритма билан ўзаро алоқаси ўрганилди. Электр юритмага қўйиладиган асосий талаблар аниқланди. Ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларининг шаршара иш режими майдалаш жараёнини яхшилашга ва энергия ҳаражатларини камайтиришга ёрдам бериши аниқланди. Шаршара режими энергия ҳаражатларини камайтириш ва умумий жараённинг унумдорлигини ошириш потенциалини кўрсатиб, паст энергия ҳаражатларида рудани оптимал майдалаш даражасига эришишга имкон беради.

3. Ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларининг иш режими билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Регрессион таҳлил айланиш тезлиги (n), руда қаттиқлиги (t_R) ва суюқликнинг қаттиқ фазаси (S)га нисбатига қараб ҳўл ўзи майдалаш тегирмонининг электр энергияси истеъмоли моделини яратишга имкон берди.

4. Шаршара режимини ушлаб туриш ва тегирмоннинг айланиш тезлигини самарали бошқариш учун частота ўзгартиргичи ёрдамида ростланадиган электр юритмани қуриш имконияти ўрганилди. Олинган натижалар ҳўл ўзи майдалаш жараёни устидан назоратни яхшилаш имкониятини тасдиқлайди. Бундан ташқари, ҳўл ўзи майдалаш тегирмонларининг шаршара режимига эришиш майдалаш самарадорлиги ва энергия сарфини оптималлаштириш учун жуда муҳим эканлиги исботланди. Тегирмоннинг айланиш тезлиги, майдалаш муҳитини тўлдириш даражаси, суспензиянинг ёпишқоқлиги ва материалларнинг хусусиятлари каби турли омилларни ҳисобга олган ҳолда, таклиф қилинган формулалар тегирмоннинг оптимал параметрларини аниқлаш учун бошланғич нуқтадир, деб таҳмин қилиш мумкин.

5.ММС70-23 туридаги ҳўл ўзи майдалаш тегирмони учун частотали бошқариладиган синхрон электр юритманинг математик модели ишлаб чиқилган. Модель электр юритма ва тегирмон билан боғлиқ параметрларни ҳисобга олади ва турли шароитларда тизимнинг ишлашини рақамли моделлаштириш ва таҳлил қилиш учун ишлатилиши мумкин. Ишлаб чиқилган тизим технологик жараён параметрлари кескин ўзгарганда барқарорликни таъминлайди. Ҳўл ўзи майдалаш тегирмони электр юритмасининг айланиш тезлигини бошқариш тизими турли хил иш режимларида юқори даражадаги барқарорликка эга.

6. Руданинг физик характеристикаларига (қаттиқлиги ва зичлиги) қараб тегирмоннинг айланиш тезлигини ростлаш асосида параметрларни оптималлаштириш хўл ўзи майдалаш жараёнининг максимал самарадорлигига эришишга имкон беради. Энергия самарадорликни максимал даражада оширадиган тегирмоннинг оптимал айланиш тезлигини топиш учун градиент тушиш усули муваффақиятли қўлланилди.

7. Илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, “Олмалиқ КМК” АЖда хўл ўзи майдалаш тегирмонининг частотавий ростланадиган электр юритмаси жорий этилди. Натижада 277 820 кВт*соат электр энергияси тежалди ва бу йилига 125 019 000 сўмни ташкил этди. ММС 70-23 тегирмонлари учун частота ўзгартиргичини жорий этишнинг иқтисодий фойдасини баҳолаш 4,8 йиллик қоплаш муддатини, кейин эса фойда келтиришини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ
ПРОБЛЕМ ЭНЕРГЕТИКИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ ПРОБЛЕМ ЭНЕРГЕТИКИ**

ТАШЕВА ХАДИЧА ТУЙБОЕВНА

**ПОВЫШЕНИЕ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ИЗМЕЛЬЧЕНИЯ РУДЫ**

(на примере АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»)

05.05.01 – Энергетические системы и комплексы

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2021.4.PhD/T2507.

Диссертация выполнена в Институте проблем энергетики Академии Наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Научного совета (www.energetika.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Ишназаров Ойбек Хайрилаевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Арипов Назиржан Мукарамович**
доктор технических наук, профессор

Халиков Солиҳджан Субханович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Навоийский государственный горно-технологический университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 при Институте проблем энергетики АН РУз в 2024 г. «___» ____ в ____ часов. (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 40. Тел.: (+99897) 480-28-07, e-mail: energetika_in@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института проблем энергетики АН РУз (зарегистрирован под номером ____). (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 40. Тел.: (+99897) 480-28-07).

Автореферат диссертации разослан «___» ____ 2024 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от «___» ____ 2024 г.).

Х.М. Муратов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Ж.Н. Толипов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по техническим наукам, старший научный сотрудник

Ш.В. Хамидов

Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философииPhD)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы

В мире особое внимание уделяется управлению существующими технологическими процессами в горно-металлургической промышленности, улучшению их технических показателей, повышению энергоэффективности в процессе измельчения руды. В настоящее время в развитых странах «...3,5% мирового потребления энергии идет на горно-металлургическую промышленность, из них 1% идет на процесс измельчения. В связи с этим определена возможность экономии потребления энергоресурсов за счет регулирования режимов работы мельниц»². В связи с этим особое внимание уделяется разработке математической модели и структурной схемы регулируемого электропривода мельницы, в том числе совершенствованию системы частотно-регулируемого электропривода, обеспечивающей рациональные режимы технологических процессов.

В мире проводятся научные исследования, направленные на повышение эффективности мельниц мокрого самоизмельчения в процессе измельчения руды, а также плавный пуск высоковольтных синхронных двигателей в зависимости от степени заполнения барабана рудой. В этом направлении приоритетными считаются исследования по разработке системы частотно-регулируемого электропривода мельницы с учетом оптимальных режимов работы мельницы мокрого самоизмельчения, определения частоты вращения и момента сопротивления мельницы в зависимости от состава поступающей руды с учетом твердости и плотности руды, а также ее наполнения. В то же время актуальными задачами являются пуск синхронных машин и определение факторов, влияющих на потребление электроэнергии.

В Республике проводятся масштабные мероприятия по повышению эффективности использования энергоресурсов, созданию и совершенствованию новых технологических решений и их внедрению в целях снижения себестоимости продукции. В стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены задачи, в том числе «бесперебойное энергоснабжение экономики и активное внедрение технологий «зеленой экономики» во всех сферах, повышение энергоэффективности экономики на 20%». При реализации этих задач, в частности, считается важным проведение научно-исследовательских работ, направленных на решение на решение задач повышения энергоэффективности за счет регулирования режимов работы синхронных машин, определения оптимальной скорости и интенсивности пуска.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-57 от 16 февраля 2023 года «О мерах по ускорению

²<https://www.dissercat.com/content/sovershenstvovanie-upravleniya-protsessom-izmelcheniya-rudnykh-materialov-s-primeneniem-prav>

внедрения возобновляемых источников энергии и энергосберегающих технологий в 2023 году», № ПП 2692 от 22 декабря 2016 года «О дополнительных мерах по ускоренному обновлению физически изношенного и морально устаревшего оборудования, а также сокращению производственных затрат предприятий отраслей промышленности», № ПП-4422 от 22 августа 2019 года «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии» и ПП-4779 от 10 июля 2020 года «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции путем повышения энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной области.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: II. «Энергетика, энерго- ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Мировые учеными ведется масштабные исследования для обеспечения водопадного режима мельниц и определения режима энергосбережения с помощью регулирования скорости вращения синхронных двигателей во многих ведущих научных центрах и высших учебных заведениях, в том числе Molycorp (США), Массачусетском технологическом институте (США), Мичиганский университет (США), Университет Ватерлоо (Канада), Great West Mineral Group (ЮАР), Mount Weld (Австралия), Токийский технологический институт (Япония), Всероссийский научно-исследовательский институт электроэнергетики (Россия), Национальном исследовательском университете (Россия) и Ташкентском государственном техническом университете (Узбекистан) ведется обширная научно-исследовательская работа.

